# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 13 август, № 158 (5325) Шанба


# ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

**фуқароларимизга энг замонавий, тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиши билан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда**




***Истиқлол туфайли мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида энг замонавий шарт-шароитлар билан таъминланган, халқаро андозаларга мос тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида соҳани ислоҳ этишга оид Давлат дастури қабул қилиниши эса бу борадаги ишларни янада юксак босқичга олиб чиқди.***

***Бугун мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги улкан ўзгаришлар, даволаш муассасаларининг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланиши, аҳолига малакали, сифатли ва ишончли тиббий хизмат кўрсатилаётганлиги эътиборга моликдир. Бу борадаги беқиёс янгиланишлар, нафақат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туман марказларида балки юртимизнинг энг олис қишлоқларида ҳам юз бермоқда.***




Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.




Айни пайтда тиббиётимиз нечоғли ривожланиб бораётганлигини биргина бирламчи бўғин — ҚВПлар фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ваҳолонки, бундан йигирма йил аввал соғлиқни сақлаш тизимида ҳозиргидек беқиёс шарт-шароитлар муҳайё қилинишини тасаввур этиб ҳам бўлмасди. Ўша даврларда даволаш муассасаларидаги тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ўта ночор аҳволга келиб қолганди. Қисқача айтганда, юртимизда тиббий ислоҳотларни, энг аввало, қишлоқдан бошлаш зарур эди. Шундай бўлди ҳам. Ўтган йиллар мобайнида бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилди. “ФАП”, “ҚВА”, “ҚУШ” тарзида қисқартма сўзлар билан ифодаланувчи тиббиёт пунктлари ўрнида замонавий ташхис ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 3192 та қишлоқ врачлик пункти вужудга келди. Улар биокимёвий анализаторлар, офтальмоскоп, автоклав, бинокуляр микроскоп, ЭКГ ускунаси каби энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

Биргина “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” лойиҳалари асосида қишлоқ жойларидаги бирламчи тиббиёт бўғини муассасалари инфратузилмасини янада яхшилашга 70 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди. Сўнгги икки йил ичида қишлоқ аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида ҚВПлар қошида 700 дан зиёд ижтимоий дорихоналар ташкил этилди. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳажми кейинги икки йилда 3,8 баробарга ортди.

Қолаверса, 2011 йилги Инвестиция дастурига биноан, жорий йилнинг ўзида яна 20 та замонавий ҚВП фойдаланишга топширилади. Мамлакатимиз вилоятларидаги мавжуд 364 та ҚВП эса шу йилнинг ўзида 4,6 миллиард сўм эвазига қайта таъмирланиши режалаштирилган. Муҳими, шу кунга қадар уларнинг аксариятида бошланган ишлар ниҳоясига етказилди.

— Кундан-кунга аҳоли ишончига сазовор бўлаётган бундай пунктларда энди аввалгиларга ўхшаб ўрта тиббиёт ходимлари эмас, балки олий маълумотли умумий амалиёт шифокорлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош бошқарма бошлиғи Дониёр Миразимов. — Уларга республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, йирик даволаш муассасалари ва олий ўқув юртларининг минглаб тажрибали шифокор, мутахассис ва олимлари ҳар жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Бугунги кунда қишлоқ врачлик пунктлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида, тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, айни дамда ҚВПларда 7 минг нафардан зиёд умумий амалиёт шифокорлари самарали фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг малака оширишига катта эътибор қаратилаётгани туфайли мутахассислар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, юқумли хасталикларнинг олдини олиш ҳамда тезкор ташхис қўйиш борасида етук билим ва тажрибага эга бўлиб бормоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2011 йил 12 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисини шу йил 26-27 августда Тошкент шаҳрида чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, мамлакатимизни демократик янгилаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Бундай қонунлар жумласига тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни ҳамда аҳоли саломатлиги муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари киради.

Сенатнинг ялпи мажлисида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган «Темир йўл транспорти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам кўриб чиқилади.

(Давоми 2-бетда).

## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

**13 — 14 август кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади.**

Бугун юртимизда байрам шукуҳи кезиб юрибди. Яна саноқли кунлардан сўнг энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйини мамлакатимиз бўйлаб катта шодиёна сифатида нишонлаймиз. Бу қутлуғ санага ҳозирлик ишлари аллақачон бошланиб кетган бўлса-да, айни кунларда юртдошларимиз бир тану бир жон бўлиб, ҳамжиҳатликда бунёдкорлик, яратувчанлик, ободонлаштириш юмушларини катта ҳавасу иштиёқ билан адо этишдан тўхтаганлари йўқ. Айниқса, хонадонлардан бошланиб, қишлоғу маҳаллалар, шаҳару туманлар ва ниҳоят, юрт миқёсида ўтказилаётган ҳашар тадбирлари барчани эзгуликка чорламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 августда қабул қилинган фармойиши эса ана шундай хайрли ишларни янада жадаллаштиришга ундайди. Унга биноан, жорий йилнинг август ойи мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 13 — 14 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари, деб эълон қилинди. Ушбу тадбирлар орқали мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-мурувват каби фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш каби қатор хайрли мақсадлар кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

***Айни кунларда юртимизда мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма йиллик тўйини муносиб нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. “Тўйга тўёна билан” деганларидек, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрамни мамлакатимизда фаолият юритаётган турли маданият марказлари ҳам катта кўтаринкилик билан қарши олиш тараддудида.***

## ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК ТАРАННУМИ

Хусусан, ушбу марказлар ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган қатор маданий-маърифий тадбирлар, дўстлик фестиваллари, концертларда Ватанимиз мустақиллигини тараннум этувчи ранг-баранг бадиий дастурлар намойиш қилинаяпти.

**Анжуман**

Кеча Республика Байналмилал маданият марказида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Байналмилал маданият маркази, Туркманистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Республика туркман маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, юртимизда истиқомат қилаётган туркман миллати вакиллари ҳамда бошқа миллатлар маданият марказлари аъзолари қатнашди.

Қайд этиш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, турли миллат ва элат вакилларининг тинч-осуда, фаровон ҳаёт кечиришлари учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Бугун республикамизда бир юз ўттизга яқин миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилаётгани бунинг амалий тасдиғидир. Эътиборлиси, уларнинг урф-одат ва анъаналари, миллий қадриятларини ҳар томонлама эъзозлаш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилаётир. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда фаолият олиб бораётган бир юз элликдан ортиқ миллий маданият марказларининг бу борадаги хизматлари катта.

Тадбирда сўзга чиққан жамоатчилик вакиллари Президентимиз раҳнамолигида юртимизни демократлаштириш ва модернизация қилишда бағрикенглик, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш тамойилларига қатъий амал қилинаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

(Давоми 2-бетда).

## ЭКОЛОГИК НАЗОРАТНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

**атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда катта ўрин тутади**

***Бугунги кунда табиат неъматларини асраш, улардан оқилона фойдаланишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу эса, ўз навбатида, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг қонуний асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Зеро, шу асосда табиатни асраб-авайлаш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш имконияти кенгаяди.***

Бу борада табиатга бўлган инсон таъсирининг аниқ меъёрларини белгилаш, экологик экспертиза ўтказиш, экологик сертификатлаш ва стандартлаштириш, экологик тоза, чиқиндисиз (камчиқитли) технологияларни жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш каби йўналишларда ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш айни муддаодир.

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Шубҳасиз, мамлакатимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, шу жумладан, аҳоли саломатлигини сақлаш ва фаровонлигини юксалтиришда экологик хавфсизлик, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, экологияга оид қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормаларига уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам бу борада зарур таклиф ҳамда қонунчилик ташаббуслари ўз ифодасини топган. Шу жумладан, унда “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати борлиги қайд этилган.

Ушбу қонуннинг асосий мақсади ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва экологик муаммоларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини барпо этиш,

(Давоми 2-бетда).

**Август — ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи**

***Деҳқонларимиз ғўза парвариши ўта нозик юмуш эканлигини яхши билишади. Бу жараёнда бажариладиган агротехника тадбирларининг ҳар бири экин ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, улар ўзаро занжир ҳосил қилади.***

## БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Бу силсила бирон жойидан узилса, ҳосил чўғига путур етишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун хирмон тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда биз, мутахассислардан алоҳида масъулият, ташаббускор бўлиш талаб этилади.

Туманимизда бу йил 2708 гектар майдонда ғўзанинг “Андижон — 36” ва “Наманган — 77” навлари парваришланаяпти. Жорий мавсумда пахтачиликка ихтисослаштирилган 79 та фермер хўжалигида об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда иш тутилгани, жумладан, синалган тежамкор усуллар ҳамда илм-фаннинг илғор ютуқлари қўлланилгани туфайли экин маромида ривожланаяпти.

Таъкидлаш керакки, бу йил ҳарорат нисбатан иссиқ келди. Бундай пайтда экинни чанқатиб ҳам, қўллатиб ҳам суғориб бўлмайди. Нега деганда, ҳар икки ҳолатда ҳосил тугунчаларига зарар етади. Бу сувчилар билан ўтказилган учрашувларда алоҳида тилга олиниб, атрофлича тушунтирилди. Бундан ташқари, ҳар гектар экин майдони учун қатъий сув сарфи белгиланиб, суғориш, асосан, тунда “шарбат” усулида бажарилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Бош прокурор Р. Қодиров бошқарган йиғилишда Республика Идоралараро комиссияси, унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ва тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

**Тадбир**

Тадбирда одам савдосига қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари хусусида Ички ишлар вазирлиги, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун захира иш ўринлари яратиш борасидаги фаолияти мониторинги натижалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш юзасидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳақида “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳисобот берди.

Йиғилишда юқорида қайд этилган ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланиб, йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди.

Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи барча мансабдор шахслар фаолияти танқидий баҳоланиб, бу борадаги тадбирларнинг бажарилишини жадаллаштириш ва такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоққа сақлаш тўғрисида»ги, «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоққа сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлиси кун тартибига ташқи сиёсий фаолиятни тартибга солишга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси билан Қатар Давлати ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги Битимни (Доҳа, 2010 йил 24 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Саккизинчи қўшимча баённомани (Женева, 2008 йил 12 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги, «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомаласи бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Озарбойжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилди.

Шу билан бир қаторда, Сенатнинг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Сенат Девонининг олтинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш борасидаги ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига ҳамда «Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, 2011 йил май-июнь ойларида ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунлари кўриб чиқилди. Бутун мамлакат бўйича сайлов ташкилий-сиёсий жиҳатдан юқори савияда ўтганлиги, очиқ-ойдинлик, ошкоралик ва демократизм таъминланганлиги қайд этилди. Мамлакатнинг марказий ва маҳаллий нашрларида, телевидение ва радио орқали, электрон оммавий ахборот воситаларида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бориши мунтазам равишда ва ҳар томонлама ёритиб борилди. Олиб борилган ишлар натижасида мамлакатимизнинг ҳамма минтақаларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни танлашга муваффақ бўлинди, бу эса уларнинг сифат таркибини яхшилашга анча таъсир кўрсатди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тавсиялар тайёрлаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини такомиллаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларини, «Маҳалла» жамғармасининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқаларнинг фаолиятини кучайтиришга қаратилган тегишли қарорни қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сенат Кенгашининг мажлисида сенаторлар, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий комиссияларининг аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳларининг, «Маҳалла» жамғармасининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

# ЭКОЛОГИК НАЗОРАТНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

## атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда катта ўрин тутади

(Давоми. Боши 1-бетда).

уларнинг табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги муҳим давлат дастурлари ижросидаги роли ва ўрнини аниқлашга қаратилгандир. Зеро, бугунги кунда аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш жараёнига жамиятнинг турли қатламларини кенг жалб қилиш, экологик назоратнинг давлат, идоравий, ишлаб чиқариш, жамоатчилик назорат тизимини босқичма-босқич ривожлантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мустақиллик эришилгандан сўнг ушбу соҳада қабул қилинган дастлабки қонунчилик ҳужжати ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳозиргача мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш борасида 30 га яқин қонунлар, юзлаб қонуности ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар амалиётга татбиқ этилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунида табиатни муҳофаза қилиш бўйича масъул давлат назоратини олиб борувчи идоралар, шунингдек, табиатни муҳофаза қилувчи давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш назоратини амалга ошириш бўйича махсус ваколатли органлар белгилаб берилган. Бироқ унда экологик назоратни амалга ошириш мақсади ва вазифалари, тартиби, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизми ва мазмуни тўлақонли очиб берилмаган. Қолаверса, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назорати ўртасидаги ваколатлар чегаралари ҳамда улар томонидан ўз вазифаларини бажариш тартиби белгиланмаган, жамоатчилик экологик назорати эса умумий (декларатив) ҳолда акс эттирилган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури ва Экологик ҳаракат депутатлари гуруҳи иш режасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Кенг жамоатчилик, илмий доиралар, экологлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолларининг ўзаро ҳамкорлигида тайёрланган янги қонун лойиҳасида экологиянинг кўплаб жабҳалари қамраб олинди, шу асосда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга масъул барча тизимларнинг тўлақонли фаолиятига, мазкур жараёнларда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса экология масалалари тобора долзарблашиб бораётган бугунги замон талаблари билан ҳамоҳангдир.

Барчамизга аёнки, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, атроф-муҳит муҳофазасига оид масалаларни ҳал этиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилаяпти.

Янги қонун "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини жойларда сўзсиз таъминлаш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг соҳадаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. У экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини белгилаб беради.

Мазкур қонун лойиҳаси атроф табиий муҳитни ифлослантириш, шунингдек, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиш, олдиндан огоҳлантириш ва назоратнинг самарали тизимини яратиш, экологик назорат (шу жумладан, жамоатчилик назорати)ни амалга ошириш тизимини мукаммаллаштириш, ривожлантириш ва кучайтириш мақсадларига хизмат қилади. Бундан ташқари, унда экологик назорат соҳасида вакиллик органларининг назорат фаолиятини ўзаро ҳамкорлик асосида олиб бориш ва мувофиқлаштириш, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлигини юксалтириш, бунга жамоатчиликнинг кенг қатламини жалб этиш, фуқаролик жамияти институтларининг атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги муҳим давлат дастурларининг бажарилишидаги иштирокини таъминлаш механизмлари ўз ифодасини топади.

Мазкур қонун ҳужжатида ушбу мақсадларга эришиш йўлида маълум вазифалар белгилаб қўйилмоқда. Атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа муассасаларнинг табиатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, атроф табиий муҳит сифати меъёрларига амал қилишини таъминлаш шулар жумласидандир. Қолаверса, қонун лойиҳасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тоза технологияларни ҳаётга жорий этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш бўйича кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш механизмлари ҳам қамраб олинаётир.

Хулоса ўрнида айтганда, Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ишлаб чиқилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун экологик назоратни амалга ошириш тизимини такомиллаштириб, соҳага масъул давлат ҳокимияти ва бошқа органлар ваколатларини белгилаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда мамлакат фуқароларининг экологик назорат бўйича ҳуқуқларини мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар рўёбида ғоят муҳимдир. Асосийси, ушбу қонун мамлакатимиз табиати мусаффолигини ва аҳоли соғлиғини сақлашга хизмат қилади.

**С. ЖАКБАРОВ,**
**Х. АЗЗАМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.**

# ДЎСТЛИК ВА АҲИЛЛИК ТАРАННУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зотан, Ватанимизнинг куч-қудрати, иқтисодий салоҳияти, ҳаётимизнинг фаровонлиги, барча соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари шу заминда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонларнинг азму шижоати, ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаш йўлидаги фидокорона меҳнати натижасидир.

Шунингдек, тадбирда Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга кенгайиб, барча соҳалардаги ўзаро ришталар тобора мустаҳкамланиб бораётгани хусусида тўхталди. Бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим асос бўлиб хизмат қилаяпти. Эътиборли жиҳати, жорий йилда Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлайди. Бу эса ҳар икки юрт тарихида ўчмас из қолдириши, шубҳасиз.



**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

— Бугун юртимизда истиқомат қилаётган туркман миллатига мансуб аҳоли 160 мингдан зиёдни ташкил этади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси туркман маданият маркази раиси ўринбосари Аҳмед Байрамтаганов. —. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши, қисқача айтганда, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, мамлакатимизда туркман мактаблари фаолият юритаяпти. Махтумқули асарлари севиб мутолаа қилинади. Туркман мумтоз адабиётининг забардаст намояндаси Мулланафас Қодирберди ўғли таваллудининг 200 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонлангани бунинг яққол далилидир. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликлар учун Президентимиз Ислом Каримовга катта миннатдорчилик билдирамиз.

Тадбир давомида Республика туркман маданият маркази ташкил этилганига 10 йил тўлиши муносабати билан кўргазма уюштирилди. Унда намойиш қилинган суратларда Ватанимизнинг 20 йил ичида эришган ютуқлари, ўзбек ва туркман халқи маданиятлари тобора ривожланаётгани, бу икки юрт вакилларининг аҳил-иноқ яшаб, бугунги эркин, фаровон ҳаётидан мамнунлиги, бахтиёрлиги акс этган.

Кеча якунида таниқли санъаткорлар ва Республика туркман маданият маркази бадиий жамоалари иштирокида концерт дастурлари намойиши бўлиб ўтди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

## фуқароларимизга энг замонавий, тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиши билан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар шу билангина чегараланаётгани йўқ. Ҳозир патронаж хизмати, яъни аҳоли тураржойларида мунтазам тиббий кўрик жараёнларини ўтказиш, беморларга тиббий маслаҳат ва тавсиялар бериш, уларни сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳозир ҚВПларда юқори технологияга асосланган тиббий ёрдам талаб қилинмайдиган кўпгина хасталикларни аниқлаш ва даволаш учун барча шарт-шароит мавжуд. Ушбу шифо масканларининг ҳар бирида замонавий тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория, кўрикдан ўтказиш хонаси ва кундузги стационар каби имкониятлар бор. Лабораторияларда ўрнатилган минискринининг мажмуалари чет эл технологияси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, уларда юздан зиёд турдаги қон таҳлилини ўтказиш ва кўплаб касалликларни илк босқичдаёқ аниқлаш имконияти бор.

Қишлоқларда замонавий шифо масканларининг фаолият бошлаши билан касалликларни эрта аниқлаш имконияти юзага келди. Яна бир жиҳати, илгари ўз дардининг сабабини билиш ва даволаниш учун қишлоқдан шаҳар марказидаги шифохонага борувчилар энди биринчи галда ўз қишлоқларидаги шифокорга мурожаат қилмоқдалар. Бинобарин, кейинги йилларда қишлоқ врачлик пунктларига қатновчилар сони бир неча баробарга ошди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҚВПларда хасталикка ўз вақтида ташхис қўйиш, даволаш ишларининг самарали олиб борилиши натижасида ҳозир туман ва вилоят шифохоналарида ётиб даволанаётган беморлар сони қарийб икки-уч бараварга камайди.

Дарвоқе, ҚВПлар фаолиятига доир яна бир фахрланса арзигулик маълумот: халқаро экспертлар баҳосига кўра, Ўзбекистон қишлоқларидаги бирламчи тиббий хизмат тизими жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари орасида энг кучлилардан бири ҳисобланмоқда.

*— Ўзбекистон тиббиётининг бирламчи бўғинида амалга оширилаётган ислоҳотлар тарихий аҳамиятга эга, — дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Мишель Тайад. — Кейинги йилларда мамлакатингиздаги мавжуд ҚВПларда аҳолига юксак сифатли ва ишончли тиббий хизмат кўрсатилаётганлиги, ушбу шифо масканлари шаҳар марказидаги тиббий муассасалардан қолишмайдиган даражада қулай шарт-шароит ва имкониятларга эга бўлаётганлигига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун аксарият мамлакатларда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсири ҳалиҳануз сезилаётган бир пайтда Ўзбекистонда янгидан-янги ҚВПлар қурилиб фойдаланишга топширилаётгани, умуман, тиббиётнинг бирламчи бўғини фаолияти ҳар жиҳатдан такомиллашиб бораётганига фақат ҳавас қилиш мумкин.*

Юртимиз яқинда дунёнинг энг нуфузли халқаро идораси — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ижроия қўмита аъзолигига сайланди. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиёти ривожланишга юз тутиб, шифо масканлари жаҳон андозалари даражасида юксак шарт-шароит ва имкониятларга эга бўлаётгани туфайли юртимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар мана шундай юксак эътирофларга сазовор бўлмоқда.



Илғор тажриба ва услублар асосида сифат жиҳатидан янги, замон талабларига жавоб берадиган ишончли ва кафолатли тиббиёт муассасалари тармоғи яратилди. Натижада мамлакатимизда оналар ўлими даражаси икки баробардан кўпроқ, болалар ўлими эса уч баробарга камайишига эришилди. Бинобарин, ўтган 20 йил ичида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди.

— Мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўлами кенг, — дейди биз билан суҳбатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Дилором Аҳмедова. — Биз мустақиллигимиз шарофати билан Президентимизнинг инсон манфаатлари, баркамол авлодни тарбиялашга чексиз эътибор ва ғамхўрлиги, тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар боис ана шундай имкониятларга эга бўлдик. Бундан кейинги тараққиётимиз юртимиз тиббиётининг янада ривожланиш даврини юзага келтириши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, айнан шу боис ҳар биримизнинг кўнглимизда буюк келажакка ишонч ҳисси мустаҳкамланиб бораётир. Зеро, келгуси авлоднинг фаровон ҳаётини таъминлашдек хайрли мақсад йўлидаги бу каби ишлар изчил давом этар экан, эзгу ният ва ёруғ умидлар қалбимизга нурафшонлик бахш этаверади.

**Фурқат САНАЕВ.**

# БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қатор ораларида шамол айланиб туриши юқори ва сифатли ҳосилнинг гаровидир. Йўқса, димиқиш оқибатида ҳосил нишоналари тўкилиши, экин касалланиши мумкин. Шу боис аниқ режа асосида майдонлар ораланиб, "варақланаяпти". Айни пайтда сувдан чиқарилган ва етилган жойлар обитобида культивация қилинмоқда. Бу юмушлар ғўзанинг остки қисмига шамол тегишини, тупроққа қуёш нури тушишини таъминлайди-да!

Аслида, август ойида культивациялашни бир кун ҳам кечиктириб бўлмайди.

Мабодо, у вақтида ўтказилмаса жўяклар қуриб, ер ёрилади, оқибатда ғўза томирлари шикастланади. Бир томир узилдими — битта шона, битта гул, демакки, битта кўсак нобуд бўлади, деганидир. Шу боис ғўза парваришида мироб механизатор ҳамкорлигининг самараси катта.

Илғаган бўлсангиз, шу кунларда ҳарорат нисбатан пасайиб, тунда салқин тушди. Бу ҳосил кушандаси ҳисобланган кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркунандаларнинг кўпайишига қулай шароит яратади. Шундай экан, уларга қарши курашишни асло бўшаштирмаслик зарур. Масалан, кўсак қуртининг сони ҳар 100 туп ғўзада 5 тага етиши ўта хавфлидир. Зараркунандалар пайдо бўлдими, дарҳол биологик усулда ишлов берилаяпти. Бунинг учун иш отряд усулида ташкил этилгани, мавжуд биолабораториялар озуқа ва зарур жиҳозлар билан таъминлангани керакли миқдорда биомаҳсулотлар тайёрлаш имконини яратаяпти. Натижада етарли даражада трихограмма, бракон ва олтинкўз етиштирилиб, далаларга чиқарилмоқда.

Ҳосил тақдири ҳал бўладиган август ойининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли бажарилаётгани туфайли бўлиқ кўсаклар сони кун сайин кўпаймоқда. Бу жорий йилда ҳам ҳар доимгидек юксак пахта хирмони яратилишидан далолатдир.

**Ғофуржон КЎПАЙСИНОВ,**
**Хўжаобод тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бош ҳосилоти.**

# ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашишда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Шу боис кичик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларига эътиборни кучайтириш зарурлиги уқтирилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман, шаҳар ҳокимликлари билан бирга, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ишларини изчил мониторинг қилиб бориши, касб-ҳунар коллежларини 2010 — 2011 ўқув йилида тамомлаган битирувчиларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича тўлиқ ишга жойлаштиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириши зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Комиссия йиғилишида, шунингдек, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ижтимоий сўровларни кенгайтириши ҳамда ушбу сўровлар самарадорлигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозимлиги таъкидланди. Бунда, айниқса, сўровларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни ўрганиш, одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий ҳимояси масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги уқтирилди.

Фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирларини кучайтириш ҳамда одам савдоси жабрдийдаларига тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш комиссиянинг асосий вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилишида қабул қилинган қарор ижро этиш учун тегишли вазирлик ва идораларга юборилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова қатнашди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси.**

# МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳашар кунларида барча тураржой мавзеларини, хиёбонлар, гузарлар, кўча ва уй-хонадонлар атрофига янада чирой бахш этиш, ариқ ва лотоклар, зиёратгоҳ ҳамда қабристонларни тозалаш, дарахтларни буташ, оқлаш ва уларга шакл бериш каби юмушлар амалга оширилади. Анъанага мувофиқ, бундай тадбирларга маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллари, кайвони-кексаларимиз бош бўлишади. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа ташкилотлар ташаббуси билан мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизнинг фаол иштироки натижасида юртимиз янада обод бўлади.

Хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича республика штабидан олинган маълумотларга кўра, 13 — 14 август кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашарида аҳоли томонидан 30 минг гектар майдонни ободонлаштириш, 22 минг километрдан зиёд ариқ ва лотокларни тозалаш, 9 мингдан ортиқ зиёратгоҳ ва қабристонни тартибга келтириш, 17 мингта эҳтиёжманд оиланинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш кўзда тутилган.

Дарвоқе, умумхалқ хайрия ҳашари нафақат ободончилик ва бунёдкорлик, балки саховат тадбири сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Зотан, ҳашар кунлари ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатиш тадбирлари ҳам амалга оширилади. Маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ва фаоллари, ҳомийлар эҳтиёжманд фуқароларимиз ҳолидан хабар оладилар, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатадилар.

Мухтасар қилиб айтганда, хайрия ҳашари юртдошларимизнинг эзгу мақсадлар йўлидаги азму шижоати, иштиёқ ва интилишларини, ҳамжиҳатлигини яна бир бор намоён этади.

**Ф. БЎТАЕВ.**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 720,6 ▲ + 10,7 | УН биринчи нав 524,1 ▲ + 14,9 | УН иккинчи нав 466,5 ▼ - 0,1 | ПАХТА ЁҒИ 1687,1 ▲ + 1,4 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 223,8 ▼ - 5,0 |

**Президентимиз ташаббуси билан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши ва шу асосда Давлат дастурининг қабул қилингани ҳамда мазкур муҳим ҳужжат ижроси изчил таъминланаётгани туфайли ушбу соҳа мамлакатимиз тараққиётида тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб, иш билан банд бўлган аҳолининг асосий қисми қамраб олингани бунинг ёрқин далилидир.**

## «Асака» банки:

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАМКОРИ ВА ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, замонавий кичик корхоналар барпо этиш масаласига юртимизнинг бошқа минтақаларида бўлгани сингари Самарқанд вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга ошишида, айниқса, "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилояти филиали муносиб ҳисса қўшмоқда. Бинобарин, мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш, вилоят иқтисодиётининг муҳим тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш жойлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш филиал жамоаси олдидаги устувор вазифалардан ҳисобланади.

Молия бозоридаги ўзининг етакчилик мавқеини мустаҳкам сақлаб келаётган банк филиали мижозларга пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, ҳисоб-касса каби барча турдаги банк хизматларини тақдим этмоқда. Бундай сифатли ва тезкор хизматлар аҳолининг унга бўлган ишончини янада ошираётир. Натижада аҳоли ва юридик шахслар ўзларининг бўш пул маблағларини ушбу банк омонатларига қўйишни маъқул кўришмоқда. Чунки бу ерда жалб этилаётган маблағлар иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига мақсадли равишда йўналтирилиб, омонатчилар, мижозлар ва акциядорлар манфаатларига мос равишда кўпайтириб борилаяпти.

*Таъкидлаш керакки, банк томонидан Самарқанд вилоятини 2011 — 2012 йилларда иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан муайян ишлар бажарилмоқда. Пировардида вилоят саноати жадал тараққий этиб, янги-янги корхоналар ишга туширилаяпти, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиниб, ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. Масалан, "Ренессанс Дизайн" хусусий корхонасига банк кредити эвазига хориждан технологик линия олиб келиниб, вафли маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тўлиқ қувват билан ишлаётган корхонада 20 та иш ўрни яратилди.*

Бундан ташқари, "Тонг" масъулияти чекланган жамияти банкнинг узоқ муддатли кредитидан унумли фойдаланиб, полиграфия ва қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олди. Бунинг эвазига 25 та қўшимча иш ўрни яратилиб, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлана бошланди.

Шу ўринда филиалнинг малакали мутахассислари томонидан кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга маслаҳат ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу хайрли ташаббус тадбиркорларнинг ишбилармонлик қобилиятлари тўла рўёбга чиқиши, бизнес лойиҳаларнинг пишиқ-пухта бўлиши, турли оворагарчиликларни бартараф қилишда қўл келаяпти. Чунки мижозлар банк хизматига оид саволлари билан "Асака" банкининг бош офиси ва филиалнинг ўзида ўрнатилган "Ишонч телефони" орқали мурожаат этиб, масъул мутахассислардан тегишли маслаҳат олмоқда.

Шу билан бирга, филиалда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилди. Барча зарур техника воситалари, кўргазмали стендлар ва меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган бу хонада ишбилармонлар соҳадаги янгиликлардан зумда хабардор бўлишади. Шунингдек, тақдим этилаётган банк хизматлари, кредитлаш ва лизинг операциялари мазмун-моҳияти ҳақида тушунча берувчи босма материаллар билан яқиндан танишадилар.

Юқори малакали мутахассислар томонидан кичик бизнес вакилларини қизиқтирган масалалар юзасидан шу ернинг ўзида тушунтиришлар берилиб, мижозларнинг мавжуд муаммолари қисқа муддатларда ижобий ҳал қилинаётгани тадбиркорларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Шу каби афзалликлар эътиборга олиниб, филиалга қарашли барча минибанкларда "Тадбиркорлар бурчаги" ташкил этилди. Улар мунтазам равишда тадбиркорлар фаолиятига оид янги меъёрий ҳужжатлар билан бойитиб борилаяпти.

Самарқанд вилояти ва шаҳри аҳолисига намунали хизмат кўрсатиш, вилоятнинг чекка ҳудудларини қамраб олиш мақсадида ҳозирги кунда филиал таркибида 5 та минибанк, шунча жамғарма ҳамда коммунал тўлов кассаси ва 2 та махсус касса фаолият юритмоқда. Натижада 2011 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 18,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 70,4 фоиз ўсишга эришилди. Мазкур кредит қўйилмаларининг 16,4 млрд. сўми ёки 86,8 фоизи узоқ муддатли эканлиги қувонарлидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга йўналтирилган кредитлар эса 7,9 млрд. сўмга етказилиб, бунинг ҳисобига 224 та иш ўрни яратилди.

*Банк томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш, тухум ва гўшт маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш, хом ашёни чуқур қайта ишлайдиган илғор ускуналар сотиб олиш учун 4,1 млрд. сўм сармоя ажратилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари асосида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 1,4 млрд. сўм, тадбиркор аёлларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 245,6 млн. сўм кредитлар берилди.*

"Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи" шиори остида меҳнат қилаётган "Асака" банкининг Самарқанд вилояти филиали жамоаси, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда. 2011 йил давомида умумий ҳажми 13 млрд. сўмлик кредитлар айнан шу соҳага ажратилиши режалаштирилгани бунинг яққол исботидир.

Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга доир тегишли меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Нега деганда, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишда инвестиция ресурсларининг муҳим манбаи, бу — юртдошларимизнинг эркин пул маблағларидир. Уни тижорат банклари омонатларига жалб этишни кўпайтиришда Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Шу ва бошқа ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида "Асака" банки томонидан 80 турдаги миллий ҳамда хорижий валютадаги омонат жорий қилинди. Уларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда омонатчиларнинг биринчи талаблари билан нақд пулда таъминлаб берилмоқда.

Жорий йилда мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида яна 9 та янги омонат тури таклиф этилаяпти. Бу каби чора-тадбирлар кутилган самарани бераётир. Эътибор қилинг, шу йилнинг 1 август ҳолатига кўра, миллий ва хорижий валютадаги аҳоли омонатлари қолдиғи 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 2,6 млрд. сўмга ўсиб, 6,2 млрд. сўмни ташкил этди. Жамғармалар қолдиғи эса 72,3 фоизга ўсди.

Банк айланмасига бўш пул маблағларини жалб этишни янада ошириш мақсадида филиал томонидан янги хизматларни жорий қилиш, шу жумладан, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо шохобчаларига терминаллар ўрнатишни кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида авиа ва темир йўл чипталари сотиш кассалари, коммунал тўловлар қабул қилувчи корхоналар қошида, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, турғун савдо ташкилотлари, маиший ҳамда бошқа пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари, умумий овқатланиш объектлари, меҳмонхоналар ва алоқа бўлимларига ўрнатилган терминаллар сони 324 тага етказилди. Бундан ташқари, банкда банкомат ва инфокиосклар ишлаб турибди.

Инфокиоскнинг қулайлиги шундаки, аҳоли ўз ҳисоб рақамидаги пул маблағларини пластик карточкаларга мустақил юклаб, у орқали коммунал, уяли алоқа ва бошқа хизматлар учун тўловларни банк ходими иштирокисиз амалга оширади. Бу ҳозирги кунга қадар филиал томонидан муомалага чиқарилган 29 минг 783 та сўм пластик карточкаси эгаларининг қимматли вақтини тежашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Пировардида банк пластик карточкалари сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8 минг 471 тага кўпайиши таъминланди.

Шунингдек, бугунги кунга келиб, банк томонидан жами 296 тадан ортиқ "Иш ҳақи" лойиҳалари жорий этилган бўлиб, 30 минг нафардан зиёд ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда.

"Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилояти филиали томонидан кўрсатилаётган бу каби тезкор, сифатли ҳамда қулай хизматлар мижозлар фаолиятини ривожлантираяпти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонини сифат жиҳатидан кўпайтираяпти, энг муҳими, аҳоли даромадларини ошираётир. Бу эса жамоанинг мижозлар учун янада қулай хизматлар жорий этиб, тадбиркорларнинг чинакам ҳамкори ва ишончли таянчига айланишига имкон бермоқда.

**Банк ахборот хизмати.**


АҲОЛИ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон — Германия «Савдогар»**

**очиқ акциядорлик тижорат банки филиаллари томонидан**

банк хизматлари кўрсатишда қонун ҳужжатларига риоя этилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётган бўлса, банкнинг Марказий девонида мунтазам ишлаб келаётган **«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»**га қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Мутахассислар томонидан сизнинг мурожаатингиз қисқа муддатда ўрганиб чиқилиб, уларда кўтарилган масалаларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этиш юзасидан барча зарурий чоралар кўрилади.

**«Ишонч телефони» рақами: (8-371) 256-66-01.**

1023R/922






**«Farg'ona charm polimer» МЧЖ**

**ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:**

- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-атторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

*Маҳсулот сертификатланган.*

Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru

150R/132



"ГАЗ" РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР

Тел.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
150 48 20

E-mail: transneft66@mail.ru

Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км

TNK Transneftkomplekt

ООО "Коммерческие автомобили - Группа ГАЗ" расмий дилери "Transneftkomplekt" ташкилоти






Улгуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!

Буюртма асосида



**«Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ**

**Қашқадарё вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судининг 2010 йил 24 декабрдаги 1-499-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Шаҳрисабз 531-ХМКК» МЧЖга қарашли, Шаҳрисабз шаҳри, Низомий кўчасида жойлашган, 1991 йилда қурилган, қурилиш майдони 924,6 кв.м. бўлган гараж қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 259 740 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 14 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй.
Телефон: (8-375) 225-44-58.**

*Лицензия: RR-0001.*

1052R/773



UZTRANSGAZ
JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI

**«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

*Ҳурматли юртдошлар!*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.**

**Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.**

754R/667


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Тиббий радиология кафедрасининг собиқ мудири, профессор

**Шаҳобиддин МИРҒАНИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Трастбанк" хусусий очиқ акциядорлик биржа банки жамоаси Кредитлаш, инвестициявий фаолиятни мувофиқлаштириш ва мониторинг департаменти директори Камил Габбазовга волидаи муҳтарамаси

**Разия она САФИУЛЛИНАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси 2-Ҳуқуқ факультети декани, юридик фанлари доктори, профессор Одина Зокировага укаси

**Маруф ЗОКИРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Шошилинч тиббиёт кафедрасининг доценти

**Фарида ВАЛИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 274,3 ▲ + 0,6 | ШРОТ 260,8 ▼ - 4,6 | ШЕЛУХА 100,6 ▼ -1,7 | ПОЛИЭТИЛЕН В-Y 460 5036,1 ▼ -72,8 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4841,4 ▼ - 78,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4913,5 ▲ + 225 | МАЗУТ 351,6 ▲ + 10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 1466,5 ▼ - 135,7 | КЎМИР(бпк) 88,3 ▲ + 0,4 |

# ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

***Инсон — улуғ хилқат. Шундай экан, у ҳамиша қадрга, эъзозга муносиб. Навоий бобомиз ўзларининг машҳур бир рубоийсини: "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш..." деб бошлаганлар. Шукрки, бугун яратилган шарт-шароитнинг қиёси йўқ.***

Айниқса, аёлнинг жамиятдаги ўрни юксалди. Бугун бизнинг қадримиз баланд, қаддимиз тик. Шахсан ўзимнинг камтарона хизматларим Президентимиз томонидан юксак қадрланганидан бошим осмонда. Истиқлол туфайли менга ўхшаб қадр топган ва бундан куч-ғайрат олиб илҳомланганлар қанча-дан-қанча?! Бугун бизнинг барча илму интилишларимиз, эзгу ниятларимиз озод юртимизни обод этишга қаратилган. Ободлик эса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, кўнгилдан бошланади.

**Ифтихор**

Маънавий-маърифий ҳаётимиздаги бекиёс ўзгаришлар, инсон манфаатининг устувор саналиши, ёшларимизнинг Навоийни ўрганишга иштиёқи ортиб бораётганлиги ана шу улуғвор ўзгаришларнинг самарасидир.

Ҳазрат Алишер Навоий бир байтларида: "Умидим улки, умидингга етгайсан" дейдилар. Истиқлолимизнинг 20 йиллик айёми тобора яқинлашаётган шу кунларда барча юртдошларимизни кутлаб, шуни алоҳида мамнуният билан айтамизки, Президентимиз раҳнамолигида қўлга киритилган барча ютуқларимиз эзгу умидларимиз рўёбидир. Ана шу дадил одимларимизга кўз тегмасин. Эзгулик боғи ҳамиша яшнайверсин.

**Суйима ГАНИЕВА,**
**профессор,**
**«Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси.**

**Бунёдкорлик**

***Мустақиллик байрами арафасида Янгиқўрғон шаҳарчасидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

## Мусиқа мактаби янги бинода

"Чортоқ архитекқурилиш" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан бу ерда 1 миллиард 935 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 150 ўринга мўлжалланган мазкур мактаб миллий ҳамда хориждан келтирилган замонавий мусиқа асбоблари билан таъминланди. Шунингдек, бу ердан ҳайкалтарошлик, ганч ўймакорлиги, зардўзлик устахоналари ҳамда драма, қўғирчоқ театри, рақс тўгаракларига мўлжалланган махсус хоналар ҳам ўрин олган.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёшларга яна бир қулайлик

Ромитан тумани мудофаа ишлар бўлими чақирув пункти мукаммал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 330 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Пировардида ушбу масканда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда армия хизматига тайёрлаш учун барча қулайликлар яратилди.

Таъкидлаш керакки, ҳозир ана шундай масканлар Қоракўл, Олот ва Пешку туманларида ҳам бунёд этилаяпти.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Рапқонда халқаро бокс турнири

***Бешариқнинг Рапқон қишлоғидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс бўйича халқаро турнир ўтказилди.***

**Спорт**

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ушбу мусобақада мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва қўшни республикалардан 1995 — 1998 йилларда туғилган ёш боксчилар иштирок этди.

Кескин ва муросасиз кечган баҳслар якунида 7 вазн тоифаси бўйича ғолиблар номи аниқланиб, улар медаль ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●










ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 259,4 ▼ - 10,2 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 264,6 ▲ + 4,8 | АРМАТУРА 3564,3 ▲ + 109,1 | ШИФЕР (1 лист) 14829 ▲ + 526 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 52546 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5